

ЧЕГАРА ОЛДИ САВДО-САНОАТ ЗОНАЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Исломов Жамшед Давронович

ТДИУ ҳузуридаги Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг
илмий асослари ва муаммолари илмий тадқиқот маркази

Чегара олди савдо-саноат зоналари (ЧССЗ; cross-border trade-industrial zones) — икки ёки ундан ортиқ давлатлар чегараси яқинида ташкил этиладиган, божхона ва солиқ имтиёзлари, соддалаштирилган маъмурий тартиботлар ҳамда инфратузилма концентрацияси орқали савдо, саноат ва логистика фаолиятини жадаллаштиришга мўлжалланган махсус иқтисодий маконлардир. Ушбу ҳудудлар “махсус иқтисодий зоналар” (МИЗ), “эркин савдо зоналари” (FTZ), “чегараларо ҳамкорлик зоналари” (CBEZ) каби форматларни ўз ичига олади. Халқаро адабиётларда уларнинг ҳуқуқий мақоми, институционал тузилиши ва иқтисодий таъсирини тавсифлашда турли қиёсий ёндашувлар мавжуд¹.

Сўнгги йилларда глобал миқёсда махсус иқтисодий зоналар ва шунга яқин бошқа ҳудудий режимлар сони кескин ошди. Ушбу зоналар барқарор ривожланиш мақсадлари (SDG), карбон изини қисқартириш ҳамда рақамлашув шароитида инвестицияларни жалб этишнинг муҳим сиёсий-иқтисодий воситаси сифатида қайта кўриб чиқилмоқда. БМТ Савдо ва тараққиёт конференциясининг “World Investment Report” ҳисоботи ҳамда Global Alliance of Special Economic Zones ташаббуси МИЗларнинг барқарор ривожланишга мослашуви, яшил инфратузилма яратиш ва ҳокимиятлар ўртасида уйғунлаштирилган бошқарувни таъминлаш зарурлигини алоҳида таъкидлайди².

Ривожланаётган мамлакатларда, айниқса транзит ва қуруқ портлар атрофидаги чегара ҳудудларида (масалан, Қозоғистон–Хитой чегарасидаги Хоргос кластери) логистик таъминот занжирларини ривожлантириш орқали савдо ҳажмини ошириш салоҳияти юқори. CAREC ва Осиё тараққиёт банки (ADB) тадқиқотларига кўра, кечиктиришлар ва транзакцион харажатларни қисқартириш икки томонлама савдони сезиларли даражада оширишга хизмат қилади³.

Шунингдек, 2020 йиллар геоиқтисодий муҳитида, яъни янги божлар жорий этилиши, таъминот занжирларининг қайта тузилиши ва минтақавий иқтисодий блоклар фаоллашуви шароитида ҳудудий интеграция нукталари сифатида фаолият юритаётган чегара олди савдо-саноат зоналари ташқи шокларга нисбатан барқарорликни ошириш, импортавалло саноатлашувни рағбатлантириш ва қўшилган қийматни

¹ Omar Sharaf-addeen Alansary, Tareq Al-Ansari, Defining ‘free zones’: A systematic review of literature, Heliyon, Volume 9, Issue 4, 2023, e15344, ISSN 2405-8440, <https://doi.org/10.1016/j.heliyon.2023.e15344>.
(<https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S2405844023025513>)

² https://unctad.org/system/files/official-document/wir2024_en.pdf

³ <http://dx.doi.org/10.22617/WPS230083-2>

локаллаштиришда “пилот ҳудуд” вазифасини бажара олади. Жаҳон банкининг МИЗлар бўйича амалий “Do’s & Don’ts” қоидаларида таъкидланишича, ер ресурсларига кириш имконияти, институтционал мувофиқлашув даражаси ҳамда ташқи инфратузилма сифати зоналар самарадорлигини белгилайдиган ҳал қилувчи омиллар ҳисобланади.

Чегара олди савдо-саноат зоналари (ЧССЗ) чегараларнинг савдо оқимларига нисбатан “ёпишқоқлик” (border stickiness) таъсирини институтционал ва инфратузилмавий инструментлар орқали пасайтириш орқали ҳудудий кластерларни шакллантиради ҳамда трансчегара қиймат занжирларига кириш имкониятларини кенгайтиради.

Назарий жиҳатдан, ЧССЗлар: янги иқтисодий география назариясидаги ядро–периферия динамикаси орқали ҳудудий концентрация ва бозор масштабининг аҳамияти билан, кластер назариясидаги ташқи таъсирлар ва инновацион тарқалиш механизмлари билан, институтционал иқтисодиётдаги қоидалар ва институтлар сифатининг инвестиция оқимларига ҳал қилувчи таъсири билан изоҳланади. Шу билан бирга, гравитация моделлари ЧССЗларнинг савдо ҳажмига таъсирини эмпирик жиҳатдан тушунтиришда муҳим восита ҳисобланади.

Амалий натижалар (UNCTAD, Жаҳон банки, ADB тадқиқотлари) ЧССЗлар самарадорлиги қуйидаги шартлар бажарилганда кескин ошишини кўрсатади:

1. Стратегик локация ва ташқи инфратузилманинг тезкор модернизацияси;
2. Ерга бўлган ҳуқуқий ва амалий кириш имкониятларини яхшилаш ҳамда маъмурий жараёнларни тезлаштириш учун давлат органларининг мувофиқлашган фаолиятини таъминлайдиган, барча зарур рухсат ва хизматларни ягона платформада тақдим этувчи “бир дарча” тизимини жорий этиш;
3. Маҳаллий тармоқлар билан чуқур интеграция, таълим ва меҳнат бозоридаги ислохотлар билан уйғунлашган институционал муҳит;
4. Барқарорлик ва ижтимоий стандартларни ҳисобга олган “иккинчи авлод” МИЗ моделларининг татбиқ этилиши.

Аммо Хоргос каби амалий кейслар зоналарда асимметрия ва тартиботлар уйғунлашуви муаммолари мавжудлигини кўрсатмоқда. Шу сабабли, самарали ЧССЗлар учун икки томонлама ёки кўп томонлама ҳамкорликнинг таркибий келишувлари, рақамий божхона тизимлари, қўшма бошқарув органлари ва нейтрал низоларни ҳал қилиш механизмлари зарур ҳисобланади.

Чегара олди савдо-саноат зоналари (ЧССЗ) замонавий глобал иқтисодий интеграция ва минтақавий ривожланиш жараёнларида стратегик аҳамият касб этади. Улар давлат чегаралари яқинида махсус ҳуқуқий ва иқтисодий режим яратиш орқали трансчегара савдоси, саноат ва логистика фаолиятини жадаллаштириш, инвестиция оқимларини

жалб қилиш, ҳамда қўшилган қиймат занжирларига локал иштирокни кучайтириш вазифасини бажаради.

Хулоса қилиб айтганда, ЧССЗлар нафақат чегара олди ҳудудларнинг иқтисодий фаоллигини оширади, балки миллий иқтисодиётни глобал таъминот занжирларига интеграция қилиш, ташқи савдо салоҳиятини кенгайтириш ва барқарор ҳудудий ривожланишни таъминлашда муҳим назарий ва амалий инструмент сифатида намоён бўлади.